

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC 02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

НИМЧИК АЛЕКСЕЙ ГРИГОРЬЕВИЧ

**ҚАТТИҚ ЧИҚИНДИЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ ФИЗИК-
КИМЁВИЙ ВА ТЕРМОДИНАМИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ
КЛИНКЕР ҲОСИЛ БЎЛИШ ВА ҚОЛДИҚ МЕТАЛЛАРНИ
ҲАЙДАЛИШ КИНЕТИКАСИГА ТАЪСИРИ**

02.00.15-Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of dissertation Doctor of Science (DSc)

Нимчик Алексей Григорьевич

Қаттиқ чиқиндилардан фойдаланишдаги физик-кимёвий ва термодинамик жараёнлар ва уларнинг клинкер ҳосил бўлиш ва қолдиқ металлларни ҳайдалиш кинетикасига таъсири.....3

Нимчик Алексей Григорьевич

Физико-химические и термодинамические процессы использования твердых отходов и их влияние на кинетику клинкерообразования и возгонку остаточных металлов.....29

Nimchik Aleksey Grigoryevich

Physicochemical and thermodynamic processes of using solid waste and their influence on the kinetics of clinker formation and sublimation of residual metals.....55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC 02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

НИМЧИК АЛЕКСЕЙ ГРИГОРЬЕВИЧ

**ҚАТТИҚ ЧИҚИНДИЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ ФИЗИК-
КИМЁВИЙ ВА ТЕРМОДИНАМИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ
КЛИНКЕР ҲОСИЛ БЎЛИШ ВА ҚОЛДИҚ МЕТАЛЛАРНИ
ҲАЙДАЛИШ КИНЕТИКАСИГА ТАЪСИРИ**

02.00.15-Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/K99 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қодирова Зулайҳо Раимовна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипов Хасан Турапович
Кимё фанлари доктори, профессор

Юнусов Миржалил Юсупович
техника фанлари доктори, профессор

Талипов Нигматулла Хамидович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Миллий технологик тадқиқотлар университети
«МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил 21 декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77а. Тел. (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanguz@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (20 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77а. Тел. (99871) 262-56-60; факс: (99871)262-79-90.

Диссертация автореферати 2021 йил 7 декабрь куни тарқатилган.
(2021 йил 7 декабрь № 20 - рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров

Илмий даража берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С. Салиханова

Илмий даража берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

У.К. Ахмедов

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги
бир марталик илмий семинар раиси,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда дунёда минерал хомашё ва техноген чиқиндилардан комплекс ва оқилона фойдаланиш учун, юқори технологик ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга олиб келувчи, ушбу ресурслардан энг кўп ҳажмда фойдаланадиган қурилиш саноатида инновацион технологияларни яратиш муҳим илмий-амалий вазифа ҳисобланади. Ушбу йўналишда тоғ-кон металлургия ва кимё саноатининг ноорганик чиқиндиларидан фойдаланиб, портландцемент клинкери ва ғовакли силикат тўлдиргичларини олишнинг комплекс қайта ишлаш усуллари, ҳамда энергия ва ресурстежамкор технологияларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида ушбу йўналишда минерал хомашё ўрнига унинг альтернатив манбаларини асосида портландцементнинг самарадор таркибларини яратиш, ҳамда уларни ишлаб чиқаришнинг энергия ва ресурстежамкор технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, қаттиқ чиқиндилардан фойдаланишдаги физик-кимёвий ва термодинамик жараёнларини, ҳамда клинкер ҳосил бўлиш ва қолдиқ металлларни ҳайдаш кинетикасига таъсирини ўрганишда мақбул физик-кимёвий таркибларини, клинкер ҳосил бўлиш ва пишиш жараёнларини жадаллаштириш усуллари, қолдиқ металллар ҳайдаш жараёнининг мақбул усуллари, ҳамда жадаллашган куйдириш чоғида клинкер ҳосил бўлиш ва қолдиқ металлларни ҳайдаш жараёнларининг кинетик ва термодинамик ҳусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият эга.

Республикада портландцемент клинкери ва ғовакли силикат материалларини олиш учун иккиламчи ресурслар, хусусан тоғ-кон металлургия ва кимё саноати саноати чиқиндилари асосида энергия ва ресурстежамкор технологиялар фойдаланиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да «...саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали уни янада модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини илгари суришда, биринчи навбатда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга»¹ қаратилган вазифалар аниқланган. Бу борада, Олмалик ТКМК флоточиқиндиси, сода ишлаб чиқаридаги қаттиқ чиқиндиларидан фойдаланиш асосида клинкер ҳосил бўлиш ва ғовакли тўлдиргич олишда, параллел равишда қолдиқ металлларни ҳайдаш жараёнларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони

ва 2018 йил 07 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги», 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ёр қаърини геологик ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларга мўлжалланган минерал хомашё базасини ривожлантириш ва такрор ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Минерал хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида портландцемент таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан В.Г.Шухов номидаги Белгород технология университети ва Д.И.Менделев номидаги Россия кимё-технология университети (Россия), Приднепров давлат қурилиш ва архитектура академияси (Украина), М.Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети (Қазақстан), Беларуссия давлат технология университети (Белоруссия), Bau-Haus Universitat ба VDZ-Verein Deutschen Zementwerke (Германия), CNBM Engineering Co Ltd (Хитой), Asian Cimento AS (Туркия), Тошкент кимё-технология институти, Умумий ва ноорганик кимё институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Хомашё таркибидаги минерал ҳосил бўлиш жараёнида куйдириш интенсификатори сифатида фойдаланилган саноат чиқиндилари таъсирини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: ёқилғи-энергетика комплекси чиқиндиларидан, хусусан хомашё омуктасида алюмосиликатли компонент сифатида ишлатилган тошқол, култошқоли ва кўмир бойитишдаги чиқиндилардан фойдаланиб, портландцемент клинкери олиш технологияси яратилган (В.Г.Шухов номидаги Белгород технология университети, (Россия), домна тошқоллари ва темирли чангдан фойдаланиб, цемент клинкери синтез қилинган (Приднепров давлат қурилиш ва архитектура академияси, Украина), қурилиш чиқиндиларидан керамзит ва бошқа ғовак қурилиш материалларини олиш технологияси ишлаб чиқилган (CNBM Engineering Co Ltd, Хитой), ғовакли материал олишда четдан келтириладиган

²Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари тавсифи: <http://www.antoninisrl.com>, <http://www.bottero.com>, <http://www.ocmigroup.com>, <http://www.sklostroj.cz>, <http://www.emhartglass.com>, <http://www.imaca.nl>, <http://www.fivesgroup.com>, <http://www.glasmaschinenbau-freital-gmbh>, <http://www.parkinson-spencer.co.uk>, <http://www.lattimer.com>, <https://www.ionx.uz> ва бошқа ҳаволалар.

қимматбаҳо кўмир юза жинсли (қумли соз тупроқ) ўрнига торф ишлаб чиқариш чиқиндисидан фойдаланиш технологияси яратилган (Белоруссия давлат технология университети, Беларуссия).

Дунёда қурилиш материаллари олишда табиий хомашё ўрнига тоғ-кон металлургия ва кимё саноатлари техноген чиқиндиларини ва клинкер ҳосил бўлишдаги интенсификатор ва пишиш жараёнларини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан табиий хомашё материалларини иқтисод қилиб, юқори реакция қобилиятига эга бўлган техноген чиқиндиларига алмаштириш, жадаллаштирувчи бирикмалар миқдори юқори бўлган минераллаштирувчи қўшимчалардан фойдаланиш, цемент клинкери ва ғовакли материал олишда энергиятежамкор технологияларни ўзлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий техник адабиётларда турли кўринишдаги саноат техноген чиқиндиларидан хомашё омуктаси компонентлари ёки минерал ҳосил бўлиш жараёнида жадаллаштирувчи сифатида фойдаланиб, ресурстежамкор ва кам энергия сифимли цемент клинкери олиш технологиясини ишлаб чиқариш бўйича шуғулланган Ю.М.Бутт, В.В.Тимашев, М.М.Сычев, И.Г.Лугинина, И.С.Канцепольский, Х.Ф.Тейлор, А.А.Пашенко, Т.В.Кузнецова, В.П.Петров, Fu-Shen Zhang, Л.М.Сулименко, А.К.Иогансон, Г.М.Каненко, G.D.Paradimitrion, А.А. Салей, В.К.Классен, Ю.Р.Кривобородов, В.В.Тюкавкина, В.И.Шишкин, Е.А.Яценко, В.И.Ларин, Zhou Cui- Hong, M.W.Almedia, Zhao Qinglin ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган.

Ғовакли силикат материаллари ишлаб чиқаришда техноген чиқиндиларидан фойдаланиш ҳисобига хомашё базасини кенгайтиришга ва технологик самарадорлигини оширишга бағишланган илмий ишланмалар С.П.Онацкий, Н.И.Макридин, В.З.Абдрахимов, В.П.Петрова, А.Н.Отарбаев, С.Н.Березовский, Я.А.Рекитар, Д.Ю.Денисов, А.В.Дорошин, П.И.Грехов, Н.К.Манакова, С.А.Монтаев, Е.А.Баранов, Р.Е.Ефимов, Я.А.Лупоносков, G.S.Virdi, С.А.Мизюржев ишларида келтирилган. Пишишдаги минерал ҳосил бўлиш жараёнига улар таъсирининг қонуниятлари ўрганилган, ҳамда улар асосида олинган керамзит ва аглопоритнинг физик-кимёвий ва физик-механик хоссалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда рангли металлургия флоточиқиндиси, фосфогипс ва сода ишлаб чиқаришининг қаттиқ чиқиндиси каби техноген чиқиндиларнинг клинкер ҳосил бўлиш ва ғовакли материал пишиш жараёнига таъсирини тадқиқ этиш билан И.С.Канцепольский, Н.А.Сиражиддинов, Т.А.Атакузиев, Б.И.Нудельман, М.И.Искандарова, М.А.Ахмедов, Ф.А.Атабаев, З.П. Пулатов, С.С.Негматов, Н.Р. Рузиев, М.И. Рахманов, Ф.Л.Глекель, А.П. Иркаходжаева, З.Р.Қодирова, Н.Х.Талипов, С.Н.Аминов каби олимлар ва бошқалар шуғулланганлар. Ҳозирги кунда Республикада портландцемент клинкери ишлаб чиқаришда техноген чиқиндилардан фойдаланиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб бориляпти, аммо алюмосиликат хомашё компоненти сифатида рангли металлургия флоточиқиндисини қўллаш ва куйдириш

жараёнида ушбу флоточиқиндилар таркибидаги қолдиқ металлларнинг учувчан бирикмаларини параллел равишда ажратиш билан клинкер ҳосил бўлиш ва пишиш жараёнига интенсификатор сифатида кимё саноати чиқиндисининг таъсирини билан илмий асосланган маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170920189 «Норуда хомашё ва иккиламчи ресурсларни комплекс қайта ишлаш йўли билан иссиқликни ҳимояловчи-оловбардош ва керамика материалларининг импорт ўрнини босувчи таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қаттиқ чиқиндиларни қўллашнинг физик-кимёвий ва термодинамик жараёнлари, ҳамда рангли қолдиқ металлларни параллел ҳайдаш ва ажратиш билан портландцемент клинкери ва ғовакли силикат материаллари олишда клинкер ҳосил бўлиш кинетикасига ва қолдиқ металлларни ҳайдашга уларнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

портландцемент хомашё аралашмаларидаги декарбонизациянинг механизм и кинетикасига ноорганик қўшимчаларнинг жадаллаштириш таъсирини физик-кимёвий усуллар билан аниқлаш;

портландцемент хомашё аралашмасини куйдиришда асосий клинкер фазаларини минерал ҳосил бўлиш механизмига жадаллаштирувчи қўшимчаларни комплекс таъсирини тадқиқ этиш;

фойдаланилган ОТКМ флоточиқиндисининг хомашё аралашмасини агрегацияли куйдиришда кечадиган пишиш жараёнига таъсирини ўрганиш;

қўлланилган кимё ишлаб чиқаришдаги ноорганик чиқиндиларининг синтез қилинган ғовакли тўлдиргичнинг айрим физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш;

портландцемент клинкери ва ғовакли тўлдиргич олишда рангли металллар ҳайдаш қонуниятига комплекс омиллар таъсирини ўрганиш;

математик ва график моделлаштириш усуллари билан портландцемент клинкер ива ғовакли тўлдиргичлар хомашё аралашмаларини ҳайдаш интенсификатори билан юқори ҳароратда куйдириш чоғида кечадиган Au, Ag, Pb, Cu, Se металлларини ҳайдашнинг термодинамик ва кинетик параметрларини ҳисоблаш;

ишлаб чиқариш шароитида намуналарни тажриба синаш йўли билан тадқиқот натижаларини апробациядан ўтказиш;

тадқиқот натижаларини муҳокамадан ўтказиш ва улардан амалий жиҳатдан фойдаланиш юзасидан тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объектлари сифатида Шавазсой оҳактоши, Ангрен кони каолини, Олмалик ТКМКнинг мис, кўрғошин бойитиш фабрикаларининг

флотация чиқиндилари, мисни ажратгандан кейинги тошқоли, «Аммофос-Максам» фосфогипси, Қўнғирод сода заводининг қаттиқ чиқиндиси, ҳамда цемент клинкери ва ғовакли силикат материалларининг тажриба намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предметини цемент клинкери ва ғовакли силикат материаллари тажриба намуналари хомашё компонентларининг пишиш, кинетика, механизм, термодинамика физик-кимёвий ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш ҳисобланган. Клинкер ҳосил бўлишдаги қолдиқ метал тузларини ҳайдаш, мақбул таркиблар ва улар пишишининг технологик режимларини лаборатория тадқиқотлари ва ишлаб чиқариш синовлари йўли билан аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида қурилиш материалларининг юқори ҳароратли синтезида минерал ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганишда физик-кимёвий тадқиқотнинг замонавий: рентгенфаза, дифференциал-термик, петрографик, спирто-глицерат, ҳамда масс-спектроскопик ва абсорбцион-гравиметрик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

флоточиқиндидан фойдаланилган портландцемент клинкери минерал ҳосил бўлиш механизми ва кинетикасига фосфогипс ва сода ишлаб чиқаришидаги қаттиқ чиқиндисининг таъсири аниқланган;

флоточиқинди асосидаги портландцемент хомашё аралашмасининг фазавий ўзгариш кинетикасига фосфогипс ва ТОСПларнинг жадаллаштирувчи таъсирининг ўзига хослиги аниқланган;

декарбонизация ва минерал ҳосил бўлиш даражасининг ўсишига ноорганик қўшимчаларнинг таъсири, ҳамда фаза ҳосил бўлишига эришиш ҳароратининг 50-70°Cга пасайиши аниқланган;

илк бор рангли металлларни параллел ҳайдаш билан МОФ флоточиқиндисидан асосий хомашё компоненти сифатида фойдаланиб, ғовакли силикат материалларини олиш имкониятлари асосланган;

агломерацияда борадиган қаттиқ фазали ўтиш механизмига хомашё омухта компонентларининг таркиби ва қуйдириш жараёнларининг таъсири исботланган;

портландцемент клинкери ва ғовакли силикат материали хомашё аралашмаси таркибидаги металлларнинг хайдалишига кимё саноати ноорганик чиқиндиларининг кучли жадаллаштирувчи таъсири аниқланган;

математик моделлаштириш усули билан металлларни ҳайдаш жараёнининг кинетик ва термодинамик хусусиятлари, жумладан тезлик константаси, фаоллаштириш энергияси ва юқори ҳароратли синтезда борадиган жараёнларни ёритувчи бошқа термодинамик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

минерал ҳосил бўлиш жараёнига кимё саноати ноорганик чиқиндиларини ва алюмосиликатли компонент сифатида фойдаланилган

флоточиқиндили портландцемент хомашё аралашмасидаги металл тузларини бир йўла ҳайдалишига жадаллаштирувчининг таъсири, ҳамда цемент клинкери олишнинг физик-кимёвий ва технологик асослари ишлаб чиқилган;

темир таркибли ва алюмосиликатли компонент сифатидаги ноанъанавий хомашё материалларидан фойдаланиб, хомашё аралашмасининг таркиблари, клинкер ҳосил бўлишидаги ва агломерациядаги минераллаштирувчи, ҳамда ажралаётган металлларнинг ҳайдалишини жадаллаштирувчи кўшимчаларнинг мақбул миқдорлари аниқланган;

металлургия ва кимё саноати чиқиндилари асосида ҳамда рангли металлларни параллел равишда ҳайдаб, ғовакли материал олиш ва қурилиш материалларини олишда кимё саноати ноорганик чиқиндиларини комплекс қўшиш ҳисобига энергия сарфини камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилаётган жараёнлар ҳақидаги назарий тасаввурлар тажриба йўли билан олинган маълумотлар билан мос келиши, фазавий ўтиш механизмини замонавий тажриба ускуналарида, бир қатор стандарт усуллардан фойдаланиш, ҳамда синтез қилинган клинкер ва ғовакли материалнинг структура ва хоссаси ва улардан рангли металлларни ҳайдалишининг кинетик ва термодинамик тадқиқотлари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ноорганик минераллаштирувчи чиқиндиларнинг, хомашё аралашмаси таркибида асосий компонент сифатида, келиб чиқиши техноген бўлган флоточиқиндиларнинг портландцемент клинкери ва ғовакли силикат материалининг юқори ҳароратдаги синтезида, фазавий ўтиш жараёнлари ва бир қатор металлларнинг ҳайдалиш кинетикасига жадаллаштирувчи таъсирини физик-кимёвий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, маҳаллий техноген чиқиндилардан хомашё ва жадаллаштирувчи кўшимча сифатида фойдаланиб, цемент клинкери ва ғовакли силикат материалларининг хомашё таркибларини ва уларни олишнинг энергия, ресурстежамкор, ҳамда, ҳалақит берувчи металлларни параллел равишда ажратиш технологияларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қаттиқ чиқиндилардан фойдаланишдаги физик-кимёвий ва термодинамик жараёнлар ва уларни клинкер олиш ва қолдиқ металлларни параллел ҳайдаб ажратиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

портландцемент клинкери ва ғовакли силикат материалларининг юқори ҳароратли синтезида ноорганик минераллаштирувчи чиқиндиларни фазавий ўтиш жараёнларига ва металлларни ҳайдалиш кинетикасига жадаллаштирувчи таъсири ФА-А13-139 «Вольфрам рудаларини бойитиш қолдиқларини кўшимчали портландцемент ишлаб чиқаришда қўллашнинг энергия- ва ресурстежамкор технологияси» амалий лойиҳасида солиштирма таҳлил учун қўлланма маълумот сифатида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2021йил12 октябрдаги 4/1255-2791-сонли маълумотномаси). Қаттиқ

чиқиндилардан фойдаланишдаги физик-кимёвий ва термодинамик жараёнлар ва уларнинг клинкер ҳосил олиш кинетикасига ва қолдиқ металлари ҳайдалишига таъсири ҳақидаги илмий асосланган фундаментал маълумотларнинг олинишига имкон берган;

СОФ ва МОФ флоточиқиндиларидан фойдаланиб, портландцемент клинкери олиш учун ишлаб чиқилган таркиб, «Охангаронцемент» АЖнинг 2022-2023 йй. учун мўлжалланган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Охангаронцемент» АЖнинг 2021 йил 07 июлдаги 1/АГЦ-727/2-21-сонли маълумотномаси). Натижада ОТКМК флоточиқиндиларидан фойдаланиб портландцемент клинкери ишлаб чиқариш имконини берган;

СОФ ва МОФ флоточиқиндиларидан фойдаланиб, ғовакли силикат материали олиш учун ишлаб чиқилган таркиб, «Бекабод-огнеупор» ҚКнинг 2022-2023 йй. учун мўлжалланган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Бекабод-огнеупор» ҚКнинг 2021 йил 19 октябрдаги 155-сонли маълумотномаси). Натижасида ОТКМК флоточиқиндиси ва Қўнғирод сода заводи чиқиндиларидан фойдаланиб, ғовакли силикат материали ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 6 халқаро ва 4 республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза қилиниб муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси хорижий ва 3 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалар асослаб берилган, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети аниқланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Портландцемент ишлаб чиқаришда тоғ-кон бойитиш корхоналари флотация чиқиндиларидан фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари» деб номланган биринчи бобида портландцемент клинкери, техноген чиқиндилардан фойдаланиб, ғовакли силикат материаллари ишлаб чиқаришда саноатнинг ноорганик чиқиндиларидан фойдаланиш ҳолатлари ва истиқболлари юзасидан илмий-техник адабиётда

чоп этилган ишларнинг танқидий таҳлил натижаларининг муҳокамаси келтирилган бўлиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда металлларни йўл-йўлакай ажратиш имкониятлари ўрганилган. Чоп этилган ишларнинг танқидий таҳлили ва муҳокамаси асосида ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шаклланди.

Диссертациянинг «Бошланғич материалларнинг кимё-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хоссалари, ҳамда тадқиқот олиб бориш усуллари» деб номланган иккинчи бобида хомашё аралашмаси компонентларининг кимёвий ва минералогик таркиблари, ҳамда тажрибавий тадқиқотлар олиб бориш учун замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари келтирилган. Тадқиқот учун тажриба намуналари хомашё таркибларини шарли тегирмонда хомашёни помоли № 008 элакда 10% қолдиқ қолгунча тайёрлаш йўли билан олинди. Тадқиқ этилаётган қурилиш материаллари намуналарининг юқори ҳароратли синтези 1000-1450°C ҳарорат оралигида силит қиздиргичли лаборатория печларида куйдириш билан олиб борилди. Фойдаланилган асбоб ва ускуналарнинг хусусиятлари келтирилган.

Диссертациянинг «Флоточиқиндилардан фойдаланилган портландцемент клинкери синтезидаги фазавий ўтишларга ноорганик қўшимчаларнинг таъсири» деб номланган учинчи бобида Олмалик ТКМК мисни (МОФ) ва кўрғошинни (СОФ) бойитиш фабрикаларининг флоточиқиндилари асосидаги цемент хомашё аралашмасида декарбонизация жараёнининг кинетика ва термодинамикасига минерализатор сифатида қўлланилган кимё саноати қаттиқ чиқиндисининг таъсир натижалари келтирилган. Бир қатор топокинетиқ тенгламаларни қўллаб, натижалар математик моделлаштириш усули билан қайта ишланиб, флоточиқинди асосидаги цемент хомашё аралашмаси таркибидаги карбонат бирикмаларнинг декарбонизациядаги асосий кинетик катталиқларнинг боғлиқлиги олинган. Ўрганилган ҳарорат оралигида қўшилаётган жадаллаштирувчи чиқиндилар миқдорларининг декарбонизация жараёнидаги Эа термодинамик катталиқ ўзгаришига таъсирининг таҳлили олиб борилган.

Клинкер ҳосил бўлишидаги портландцемент хомашё аралашмаси минералларининг фазавий ўтиш механизми ва кинетикасига қаттиқ чиқиндиларнинг жадаллаштирувчи таъсири физик-кимёвий таҳлил усуллари билан ўрганилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида, клинкер ҳосил бўлишни жадаллаштирувчи - фосфогипс ва сода ишлаб чиқариш қаттиқ чиқиндиларидан фойдаланиб, цемент хомашё аралашмасининг мақбул таркиблари ишлаб чиқилган.

Портландцемент клинкери ҳосил бўлишидаги декарбонизация жараёни кинетикасига ва фазавий ўтишлар механизми жараёнларига қаттиқ чиқиндиларнинг таъсири, $KH=0,89$ ва силикат модули $n=2,38$ га тенг бўлган МОФ ва СОФ флоточиқиндилардан фойдаланилган бошланғич хомашё аралашмасини ўрганиш асосида аниқланган.

Фойдаланилган хомашё компонентларининг, жумладан Шавазсой кони оҳақтоши, тоғ-кон металлургия саноати мис ва кўрғошинни бойитиш фабрикаларининг, мис тошқолини қайта ишлашдаги чиқиндилари, кимё

саноатининг фосфогипс, сода ишлаб чиқариши (ТОСП) қаттиқ чиқиндиларининг кимёвий таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-Жадвал

Фойдаланилган хомашё компонентлари ва цемент хомашё аралашмаси қўшимчаларининг кимёвий таркиблари

Номи	Оксидларнинг миқдори, масс.%								К.Й.
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	SO ₃	
Оҳактош	4,03	1,00	0,20	52,32	1,06	0,1	0,1	-	41,08
МОФ чиқиндиси	61,18	14,61	9,86	1,32	0,11	2,31	1,76	5,69	4,10
СОФ чиқиндиси	45,75	8,72	7,19	14,59	7,10	2,00	0,98	2,98	8,83
ОТКМК тошқоли	35,46	6,34	52,14	1,45	0,46	-	-	4,0	-
ТОСП чиқиндиси	1,10	0,40		47,1	4,2	-		3,8	42,40
Фосфогипс	10,43	0,42	0,15	28,3	-	0,04	0,04	40,5	19,64

Цемент хомашё аралашмасини қиздиришда борадиган жараёнларининг нисбатан тўлиқ назорати, вақт давомида унинг тезлигининг қайси омилларга боғлиқ равишда ҳақиқатан ҳам ривожланиши ва вақтнинг мақбул даврида реакция тугалланишини ойдинлаштириш учун бажариш зарурдир. Келтирилган масалаларни нисбатан аниқ ечиш учун, декарбонизация жараёни кимёвий кинетикасини ўрганадиган тадқиқот усулларидадан фойдаланиш зарурдир. МОФ ва СОФ флоточиқиндлари асосида цемент хомашё аралашмасидаги оҳактошли компонент декарбонизация кинетикасига ноорганик чиқиндилар – фосфогипс ва ТОСП ларнинг таъсирини ўрганиш учун куйдиришнинг политемик шароитидан фойдаланилди (2-жадвал).

2-Жадвал

Портландцемент хомашё аралашмасининг тадқиқ этилаётган таркиблари

КН=0,89 ва n=0,38 эга хом- ашё ара- лашмаси таркиби	Қўшилган минерализатор		КН=0,89 ва n=0,38 эга хом- ашё ара- лашмаси таркиби	Қўшилган минерализатор		КН=0,89 ва n=0,38 эга хом- ашё ара- лашмаси таркиби	Қўшилган минерализатор	
	Фосфо- -гипс	ТОСП		Фосфо- -гипс	ТОСП		Фосфо- -гипс	ТОСП
ФК-1	2,0	-	ТК-1	-	2,0	ФТК-1	1,0	2,0
ФК-2	3,0	-	ТК-2	-	3,0	ФТК-2	2,0	3,0
ФК-3	4,0	-	ТК-3	-	4,0	ФТК-3	3,0	4,0

Карбонат компонентининг декарбонизация даражаси боғланмаган СаО ҳосил бўлиши бўйича этил-глицератли усул билан аниқланди.

Бир қатор топокинетик тенгламалар ёрдамида олинган тажриба намуналари қайта ишланиши, 800-900°С ҳарорат оралигида цемент аралашмасидаги декарбонизация кинетикасини қайд этиш учун нисбатан мақбул аниқлаш имконини беради.

3-Жадвал

Куйдиришнинг политермик шароитидаги флоточиқиндили, қўшимчасиз ва 4% ТОСП+3% фосфогипс комплекс қўшимчали хомашё аралашмасидаги оҳактош декарбонизациянинг кинетика ва термодинамикаси

Хомашё аралашмаси	Тезлик константаси, К _{ср}	Реакция дисперсия коэф-фициенти, D	Фаоллаштириш энергияси, кДж/(моль град)	Кинетик тенглама
МОФ асосида	Куйдириш ҳарорати 800°С			
Қўшимчасиз	$1,49 \cdot 10^{-4}$	$1,11 \cdot 10^{-10}$	-	Журавлев тенгламаси
Қўшимчали	$5,89 \cdot 10^{-4}$	$1,04 \cdot 10^{-10}$	-	
МОФ асосида	Куйдириш ҳарорати 900°С			
Қўшимчасиз	$2,09 \cdot 10^{-2}$	$1,31 \cdot 10^{-9}$	161,59	Декарбонизация тенгламаси
Қўшимчали	$2,56 \cdot 10^{-2}$	$1,21 \cdot 10^{-9}$	144,33	
СОФ асосида	Куйдириш ҳарорати 800°С			
Қўшимчасиз	$1,52 \cdot 10^{-4}$	$1,16 \cdot 10^{-10}$	-	Журавлев тенгламаси
Қўшимчали	$6,45 \cdot 10^{-4}$	$1,02 \cdot 10^{-10}$	-	
СОФ асосида	Куйдириш ҳарорати 900°С			
Қўшимчасиз	$2,12 \cdot 10^{-4}$	$1,29 \cdot 10^{-9}$	156,51	Декарбонизация тенгламаси
Қўшимчали	$3,07 \cdot 10^{-4}$	$1,20 \cdot 10^{-9}$	142,03	

Кинетика жараёнини мақбул ёритишни аниқлаш учун критерия сифатида, нисбатан ишончли бўлган фойдаланилган тенгламалардан бирига тегишли дисперсия константаси катталиги нисбатан кам бўлишига мос келган реакция тезлиги дисперсия константаси коэффициентидан фойдаланилди. Дисперсия коэффицентининг ҳисоби куйидаги тенгламадан фойдаланиб бажарилди:

$$D = x^2 - (x_v)^2 = \sum x^2 n_i / n - [\sum x_i n_i / n]^2$$

Олиб борилган ҳисобларга мос равишда 800°С куйдириш ҳарорати учун энг кичик дисперсия коэффицентини Журавлев тенгламасига мос келади:

$$Kt = (\sqrt[3]{1} / 1 - G - 1)^2$$

dis = $1,1 \cdot 10^{-10}$ (3-жадвал), 800°С даги декарбонизация кинетикаси энергия шаклланиши ва кинетик соҳада боришида ҳосил бўлган СаО кристалларининг концентрацияси билан аниқланади.

Жараён тезлиги ушбу бўйича маҳсулот қавати қалинлигига тескари пропорционал ва реакцияга кирмаган диффундирловчи компонент улушига тўғри пропорционал ҳисобланади. Бу эса, ушбу ҳароратда каттик фазанинг физик маъносини тасдиқлаб, вақт давомида ҳосил бўлган СаОнинг майда заррачаси янги фаза қаватини ҳосил қилади ва кейинчалик жараён давом этади ва Са⁺² ва О⁻² чегарасидаги майда заррачаларнинг диффузияси билан назорат қилинади.

Декарбонизация ҳароратининг 900°С гача кўтарилиши диссоциация жараёни кинетика ва механизмини тубдан ўзгартиради, бунда реакция

тезлигининг ўртача константаси ўн мартагача $1-4 \cdot 10^{-4}$ дан $2 \cdot 10^{-2}$ гача ортади, реакция механизми эса кинетикдан диффузионгача ўзгаради, бунинг натижасида комплекс минераллаштирувчи кўшимчадан фойдаланилган флоточиқинди асосидаги тадқиқ этилаётган хомашё аралашмасида декарбонизация жараёни реакция маҳсулотлари қавати орқали диффузияси билан боради.

Қаттиқ фазадаги CO_2 реакция зонасининг бўлиниш юзасидаги CaO орқали диффузияси 900°C ҳароратдаги CO_2 декарбонизация жараёнини назорат қилиш босқичи ҳисобланади. 800°C ҳароратдаги ўхшаш жараёнини ҳисоблаш билан қўлланилган топокинетик тенгламанинг энг кичик катталиқдаги тезлик константасининг дисперсия коэффициенти топилган ва энг кичик коэффициенти $\text{dis}=1,21 \cdot 10^{-9}$ бўйича линеаризация жараёнидаги декарбонизация жараёнини ёритувчи биринчи даражали топокинетик тенглама деб номланувчи, энг яхши тенгламаси аниқланган:

$$Kt = 1 - (1 - G)^{1/3}$$


Маълумотларни олиб борилган математик қайта ишлаш натижасида, минерализаторларни - ТОСП ва фосфогипс чиқиндиларини қўллашда диссоциация жараёнининг бориш тезлиги жадаллашиши аниқланган. Кўшимчали ва кўшимчасиз хомашё омуктасидаги ўртача тезлик константаси куйдириш ҳароратига боғлиқ равишда тадқиқ этилаётган $800 - 900^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида ўн мартагача $1 - 4 \cdot 10^{-4}$ дан $2 \cdot 10^{-3} - 2 \cdot 10^{-2}$ гача ўзгаради, $T_{\text{обж}} - 800^\circ\text{C}$ ҳароратдаги биргалиқда кўшимчали таркибда тезлик константасининг ўртача фарқи 3-5 мартагача ортади, $K_{\text{ср}}$ нинг $T_{\text{обж}} - 900^\circ\text{C}$ ҳароратда кўшимчасиз омуктада ушбу фарқи 2-3 мартани ташкил қилади. Тадқиқ этилаётган цемент таркибидаги диссоциация жараёнини, жадаллашган биргалиқдаги кўшимчали цемент аралашмаси учун, 62 кДж/ (моль·град) катталиқдаги фаоллашган энергияси катталигининг МОФ чиқиндили омуктада 157 кДж (моль·град) гача, СОФ чиқиндили омуктада эса мос равишда 145 дан 142 кДж/(моль·град) гача бўлган ўзгаришининг термодинамик ҳисоблари кинетик тадқиқот натижалари билан тасдиқланади.

Қўшилаётган чиқиндиларнинг асосий клинкер фазаларининг минерал ҳосил бўлиш механизм қонуниятига, ҳамда улар шаклланишининг кинетикасига таъсирини, рентгенофазавий ва петрографик таҳлил усуллари билан тадқиқ этиш олиб борилган, $\text{KH}=0,89$ ва $n=2,38$ эга флоточиқиндили бошланғич хомашё аралашмасида алюмосиликат компоненти сифатида МОФ ва СОФ чиқиндиларидан фойдаланиб, 1400°C ҳароратда 20 минут ушлаш билан синтез қилинган клинкер асосида, $\text{CaO}_{\text{св}}$ ўзлаштирилиши бўйича этил-глицерат усулда ўрганилиб, қўшилаётган қаттиқ чиқиндиларнинг мақбул миқдорлари аниқланди (4-жадвал). Таққослаш таҳлили, 4%ТОСП+3%фосфогипса, ҳамда 4%ТОСП ёки 4% фосфогипс миқдорларидаги биргалиқда кўшимчали таркиблар билан олиб борилган, кейинчалик ушбу таққослаш цемент клинкерининг минерализаторлар кўшимчасиз таркибларида олиб борилган.

**Тобж-1400°С ва Ғ- 20 минутда синтез қилинган флоточиқиндили
цемент клинкеридаги СаО_{св} миқдори**

Цемент аралаш маси	Минерализатор миқдори, %		МОФ	СОФ	Цемент аралаш маси	Минерализатор миқдори, %		МОФ	СОФ
	Фосфо- -гипс	ТОСП				Фосфо- -гипс	ТОСП		
ФК-1	2,0	-	0,90	0,90	ТК-3	-	4,0	0,58	0,49
ФК-2	3,0	-	0,65	0,42	ФТК-1	2,0	3,0	0,40	0,38
ФК-3	4,0	-	0,42	0,28	ФТК-2	3,0	4,0	0,24	0,16
ТК-1	-	2,0	1,0	0,89	ФТК-3	4,0	5,0	0,57	0,49
ТК-2	-	3,0	0,81	0,67	БД	-	-	1,62	1,49

Чиқиндилар қўшилган клинкернинг рентфазавий таҳлили қўшимчаларни алоҳида ва биргаликда қўшиш алит фазасини ҳосил бўлишини жадаллаштиради, ҳамма синтез қилинган клинкерларда, клинкер ҳосил бўлишининг тугаш ҳарорати 1380-1400°С ташкил этишини кўрсатади, шунингдек, ушбу ҳароратда хомашё аралашмасидаги боғланмаган оҳакнинг тўлиқ ўзлаштирилиши боради ва унинг охириги миқдори 1,6-2,0% ни, клинкер ҳосил бўлишининг тугаш ҳарорати эса 1420-1430°С ни ташкил этади. Бошланғич ва синтез қилинган минерал фазаларнинг миқдорий таркибларини аниқлаш, фаза миқдорларига ва уларнинг тадқиқ этилаётган кўп фазали поликристалл намуналардаги миқдорларига боғлиқ бўлган, чизикли ва максимум интеграл кўринишидаги дифракцияли акс эттиришлар билан асосланади. 1400°С ҳароратда клинкерга қўшилаётган чиқиндилар таъсирининг клинкер минераллари ҳосил бўлишига боғлиқлиги кўрсатилган (1-расм).




**1-Расм. МОФ чиқиндиси асосидаги цемент клинкеридаги
минерал фаза асосий дифракция максимумлари жадаллашувининг
боғлиқлик диаграммалари: а) куйдириш ҳароратига б) Т_{обж}- 1400
°С да қўшилаётган чиқиндининг миқдори ва турига**

Қўлланилаётган чиқиндиларнинг алит ҳосил бўлишини кўпроқ жадаллаштириши аниқланган бўлиб, ушбу фаза $d=0,278; 0,274; 0,260$ нм ларга эга дифракция максимумларининг жадаллашуви, фосфогипс қўшимчасидан ТОСП қўшимчасигача изчил ортиб бориб, биргаликда қўшилганда максимумга эришади. Дифракция максимумларининг жадаллашиш диаграммасида уларнинг 3%+4% нисбатларида синтезида

қўлланилган. Аксинча, клинкер фазасининг бошқа фаза ҳосил бўлишларига қўшимчаларнинг камроқ таъсири аниқланди, иккинчи белит фазасининг миқдори бўйича $d=0,287; 0,228; 0,192$ нм максимумларининг жадаллашуви ҳамма тадқиқ этилаётган клинкерларда деярли бир хил бўлиб, чиқиндиларни биргаликда қўллангандаги клинкерда эса ушбу фазаларнинг бироз ошиши кўрсатилган (2б-расм).

Куйдириш ҳарорати $1000-1400^{\circ}\text{C}$ оралигида бўлган ТОСП ва фосфогипсдан иборат комплекс қўшимчанинг таъсири ва қўшимчасиз цемент аралашмаси билан рентгенфазавий миқдорий усулда таққослаш таҳлили, клинкер ҳосил бўлишнинг кинетика ва механизмидаги фарқлар аниқланган. Шунингдек, куйдириш ҳароратининг 1250 дан 1400°C гача ўзгаришида МОФ чиқиндили фаоллашган клинкерда алит фазаси $d=0,278$ нм асосий пикининг жадаллашиши, изчил равишда 340 дан 885 гача шартли белги билан ортади. Шу билан бирга МОФ чиқиндили қўшимчасиз цемент клинкеридаги алитнинг дифракция максимумлари атиги 550 шартли белги катталигига етишади, бу эса клинкер минераллари фазасининг ҳосил бўлишга комплекс қўлланаётган чиқиндиларнинг юқори даражадаги жадаллаштиришини тахмин қилишни тасдиқлайди (2а-расм).



2-Расм. Комплекс қўшимчалар билан фаоллаштирилган флоточиқиндили цемент хомашёси аралашмаларининг рентгенограммалари
 а) $T_{\text{обж}}=1000^{\circ}\text{C}$,
 б) $T_{\text{обж}}=1400^{\circ}\text{C}$

Худди шундай ҳолат $T_{\text{обж}}=1000^{\circ}\text{C}$ да қаттиқ фаза синтезининг асосий минерал фазаси икки кальцийли силикатнинг $-(\beta\text{C}_2\text{S})$ янги шаклланиш механизмида ҳам кузатилади, унинг асосий дифракция максимумининг жадаллашиш катталиги $d=0.262; 0,260$ нм мос келади.

Ушбу максимум катталиклари, 3% фосфогипс+ 4% ТОСП биргаликда қўшилган цемент аралашмаси учун 206 ва 195 шартли бирликларига тенг бўлади, қўшимчасизга эса мос равишда 193 ва 134 шартли бирликларига тенг бўлади. Ушбу ҳароратда компоекс қўшимчали цемент аралашмасидаги белит фазаси ҳосил бўлишининг жадаллашуви, қўшимчасиз аралашмага қараганда $10-15\%$ га юқори бўлади МОФ ва СОФ флотация чиқиндиларидан фойдаланилган цемент хомашё аралашмасида клинкер ҳосил бўлишида минерализатор сифатида қаттиқ чиқинди қўшимчаларнинг жадаллаштирувчи таъсири ҳам қаттиқ фаза синтез босқичида, ҳам суюқ фаза ҳосил бўлиш

босқичида ҳам рентгенфазавий усул билан ўрганилган. Ушбу чиқиндиларни қўллаш, декарбонизация жараёнини тезлашиши ва ва суяқ фаза юзага келиш ҳароратининг пасайиши ҳисобига портландцемент синтезининг туғаш ҳароратини 50-70°C га пасайтиради.

Диссертациянинг «Флоточиқиндилардан фойдаланилган ғовакли материал пишишида борадиган физик-кимёвий фазавий ўтишларнинг ўзига хослиги» деб номланган тўртинчи бобида техноген маҳсулотлардан яъни Олмалик ТКМК флоточиқиндилари, бойитилмаган каолин, фосфогипс ва сода ишлаб чиқаришининг қаттиқ чиқиндиларидан (ТОСП) фойдаланиш асосида, ғовакли материал олиш имкониятларини тадқиқ этиш натижалари ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини синтез қилинаётган ғовакли силикат материалининг механизм ва минерал ҳосил бўлиш қонуниятига ва пишишига таъсирини ўрганиш келтирилган, бу эса енгил вазнли ғовакли тўлдиргичлар олишнинг асосий мезонларидан бир бўлган куйдирилаётган омухтанинг кўпчиш хусусияти ҳисобланади. Термик қайта ишлаш ҳароратини ва хомашё омухтаси таркибини аниқлаш, асосий компоненти флоточиқинди бўлган ва унинг миқдори омухтада 75-85% ва каолинни ташкил этган хомашё омухтаси асосида доналарнинг кўпчишига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди (5-жадвал).

5-Жадвал

Ғовакли силикат тўлдиргичи олиш учун тадқиқ этилаётган хомашё омухта таркиблари, %

Омухта рақами	МОФ флото-чиқиндиси	СОФ флото-чиқиндиси	Кул ранг каолин	ТОСП	Фосфо-гипс	Кўмир
Намуна таркиблари	75-95	75-95	10-20	10-30	10-30	6-8
1	80	80	14			6
2	80	80	14	25		6
3	80	80	14		30	6
4	80	80	14	25	30	6

Таҷрибаларни олиб боришда омухта компонентларининг ва хомашё доналарининг ғовакланиш кинетикасига ноорганик қўшимчаларнинг ҳам алоҳида таъсирини, ҳам уларнинг комплекс таъсири ўрганилган. Олиб борилган тадқиқотларда МОФ флоточиқиндилари хомашё аралашмаси СОФ чиқиндиси асосидаги хомашёга қараганда нисбатан юқори кўпчиш қобилиятига эгаллиги аниқланди. 1120°C ҳароратдаги мақбул кўпчиш ҳарорати флоточиқиндилари 4 намунага тегишлидир, таркиби бўйича шунга ўхшаш СОФ чиқиндилари омухтада эса 1145°C ташкил этади.

Намуна таркибларини ғовакли материал кўпчиш интервали, кўпчиш коэффициенти, ҳажмий массаси каби технологик хоссасига таъсирини таққослаш таҳлили, фосфогипс ва ТОСП чиқиндиларини қўллаш уларнинг технологик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатади (6-жадвал).

Флоточиқинди асосидаги омухтанинг кўпчиши

Омухта таркиби	Кўпчишнинг мақбул ҳарорати, °С		Куйдирилган доналарнинг минимал хажмий массаси, г/см ³		Кўпчиш коэффиценти		Кўпчиш оралиги, °С	
	МОФ	СОФ	МОФ	СОФ	МОФ	СОФ	МОФ	СОФ
Чиқинди номи								
1	1150	1175	1,55	1,75	1,87	1,55	60	55
2	1130	1148	1,40	1,80	2,04	1,73	75	65
3	1136	1150	1,45	1,75	2,12	1,75	70	60
4	1120	1145	1,35	1,65	2,16	1,85	75	65

5-Жадвалда МОФ ва СОФ флоточиқиндилари омухта асосида синтез қилиниб олинган енгил вазнли материалнинг ноорганик кўшимчалар ТОСП ва фосфогипснинг мақбул куйдириш ҳароратига, хажмий массасига, кўпчиш коэффиценти, кўпчиш оралигига жадаллаштирувчи таъсирини акс этган технологик параметрлари кўрсатилган. 30%ТОСП ва фосфогипс кўшимчали мақбул таркибли 4-омухта намунасининг минимал хажмий массаси 1,35-1,65 га яқинлашади, кўпчиш коэффиценти эса 1,85-2,16 гача кўпаяди, бундан ташқари синтез ҳарорати 25-30°С га пасаяди.

Темирнинг қайтарилиши, ТОСП чиқиндисидagi ишқорий металллар хлоридларининг парчаланishi, ҳамда кальций сульфати ва фосфогипснинг диссоциацияларининг комплекс таъсирида шиша фазанинг эрта ҳосил бўлиш жараёни намуналарда куйдириш ҳароратини пасайишига олиб келади ва енгил вазнли материални ғоваклигини сезиларли оширади. Материалда кўшимча равишда ғовакларнинг ҳосил бўлиши ҳам кўшилаётган кўмирнинг ёнишида углерод оксидини ажралишига олиб келади. Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, СОФ чиқиндисидан фойдаланилган ғовакли материал синтезининг мақбул ҳарорати ва ҳажмий массаси, МОФ флоточиқиндиси асосидаги шунга ўхшаш намуналар кўрсаткичларидан паст бўлиб, ўзининг технологик параметрлари бўйича енгил вазнли ғовакли материал олишдаги ГОСТ 32496-2013 талабларига мос келади. Аглопоритдан олинган енгил вазнли материалнинг туйиладиган хажмий массаси 1,30-1,40 г/см³ оралигида бўлади, уни олиш ҳарорати эса 1100-1300°С ни ташкил этади. Ғовакли силикат буюмлари ишлаб чиқаришининг технологик параметрларини мақбуллаштириш паст таннархли сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Маълумки, кимё саноатининг турли чиқиндилари ва минерал кўшимчалар технологик жараёнларга, биринчи навбатда куйдириш ҳароратига сезиларли таъсир кўрсатади. Уларнинг таъсирини енгил вазнли материал куйдиришининг ҳарорат режимига таъсирини аниқлаш ва ушбу жараённи кейинчалик мақбуллаштириш мақсадида 1-намуна асосида тадқиқотлар олиб борилди. Кўшимча сифатида турли миқдорлардаги сода ишлаб чиқаришининг қаттиқ чиқиндиси ва фосфогипс ўрганилди. Олиб борилган тажрибалар омухта

таркибида қўшимча концентрациясининг ортиши билан пишиш ҳароратини пасайишини аниқлаш имконини берди (7-жадвал).


7-Жадвал

Флоточиқинди -80%, каолин-14%, кўмир-6% ли мақбул омухтанинг пишиш ҳароратига ноорганик қўшимчаларнинг таъсири

100% ли омухтадан ташқари қўшимчанинг улуши,	Омухтанинг пишиш ҳарорати, °С					
	ТОСП		Фосфогипс		Улардан биргаликда фойдаланиш	
	МОФ	СОФ	МОФ	СОФ	МОФ	СОФ
Қўшимчасиз	1148	1165	1148	1165	1148	1165
10	1140	1160	1145	1160	1135	1155
20	1132	1150	1140	1155	1128	1150
30	1127	1145	1130	1150	1120	1145
40	1130	1150	1135	1150	1125	1148

Олинган маълумотлардан яъни бошланғич хомашёга суюқлантирувчи-чиқинди қўшиш ҳисобига куйдириш ҳарорати оралиги 25°С гача пасайиши мумкин деган хулосага келинади. Таъкидлаш лозимки, пишиш ҳароратини пасайишига таъсири бўйича фосфогипс, сода ишлаб чиқариш чиқиндисидан устунликка эгадир. Хомашё омухтасига массага нисбатан 25-30% миқдордаги ТОСП қўшимчасини қўшишда куйдириш ҳароратини 15-20°С га, шундай миқдордаги фосфогипс қўшилганда эса 12-15 °С га пасайтиришини олдиндан билиш мумкин. Аммо, 25-30% миқдордаги ТОСП ва фосфогипс қўшимчаларидан биргаликда қўллаш мақбул бўлиб, бу синтез ҳароратини пасайтиришни жадаллаштирувчи ҳисобланади. Умуман олганда, олинган боғлиқликлар кўрилган қўшимчалардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.


Физико-кимёвий таҳлил, яъни рентгенфазавий, дифференциал-термик ва петрографик усуллари билан тадқиқ этилаёган омухта пишишидаги минерал ҳосил бўлиш механизмига компонентлар ва жадаллаштирувчи қўшимчаларни таъсир қонуниятлари аниқланди. ТОСП ва фосфогипс чиқиндиларидан мақбул қўшилган №4 омухтанинг термик таҳлилида 120-125°С ҳароратда физикавий боғланган намликни ажралишини бошланишини кўрсатади, бу эса термограммада эндоэффект билан тасдиқланади (3-расм).



3-Расм. ТОСП ва фосфогипс чиқиндиларидан биргаликда қўшилган №4 намунанинг термограммаси

450-485°С да ҳарорат интервалидаги экзотермик эффект α-кварцнинг β-модификациясига ўтиш даврига хослиги билан таснифланади. Тахминан ушбу ҳароратда слюда ва каолинит таркибидаги мусковит ва биотит


минералларида боғланган ҳолатда бўлган кристалл сувларнинг ажралиши бошланади. 810-820°C ҳароратда таркибдаги карбонатларнинг декарбонизациясига тегишли бўлган эндоэффект ва дала шпатларини қисман парчаланиши кузатилади.



**4-Расм. ТОСП ва фосфо-гипс чиқиндиларидан биргаликда қўшилган намуналарнинг рентгенограммалари:
а) қўшимчасиз;
б) қўшимчали
Тобж- 1100°C**

Ушбу намунанинг 1050-1100°C ҳароратдаги рентгенограммасида геленит $d=0,285; 0,243; 0,175$ нм ва диопсид $d=0,300; 0,252; 0,174$ нм. туридаги куйи асосли бирикмалар қайд этилади. Ҳамда $d=0,270; 0,339; 0,540$ нм жадаллашган чизиклар ва кимёвий таркиб бўйича $3Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$ дан $2Al_2O_3 \cdot SiO_2$ ўзгарадиган муллитга, $d=0,251; 0,270; 0,365$ нм чизикларнинг иштироки гематитга, $d=0,202; 0,313; 0,403$ нм чизикларнинг кварцнинг юқори ҳароратли полиморф модификацияси ҳисобланган кристобалитга, $d=0,196; 0,224; 0,242; 0,321; 0,375$ нм чизиклар анортитга ($CaAl_2Si_2O_8$) ва $d=0,213; 0,228; 0,246; 0,334; 0,426$ нм кварцга тегишли бўлганлиги кузатилади (4-расм). Маълумки, силикат материалларидаги мелилит ва геленитларнинг кристалл фазалари механик мустаҳкамлик ва оловбардошлигини оширади.

Петрографик таҳлил (5-расм) ҳам рентгенфазавий таҳлил натжаларини тасдиқлайди, яъни таъсирлашмаган кварц заррачалари ва дала шпатини, ҳамда янги ҳосил бўлиш билан юзага келган заррачаси 2-5 мкм ва Nпр – 1,665 ўлчамли геленит $-Ca_2Al(Si_2O_7)$, мервенит $-Ca_3Mg(SiO_4)_2$, ва муллит $Al_8[(O,OH,F)(Si_2Al)O_4]_4$ ларнинг майда заррачали агрегатларини ва кальций сульфати бўлиши мумкин бўлган қиррали шиша фаза кузатилади.



5-Расм. №4 намунанинг петрографик расми

